## “ГАСТАРБАЙТЕР”ЛАР... ЭМАС “ВАТАНДОШЛАР”!

**Мамлакатимиздан ташқарида турли ишлар билан банд бўлган ватандошларимизнинг ҳаммаси ҳам яхши ишлаб, яхши ҳақ олавермайдилар. Баъзилари қайтишга шароитлари бўлмай, ички аъзоларини ҳам пуллаб келаётгани сир эмас. Замонавий технологиялар билан операцияни ўтказган жарроҳлар пайтдан фойдаланиб, бир эмас икки-уч аъзоларини олишга уринадилар.**

2-бет

## ТАХТ ОРТИДАГИ ҲОКИМИЯТ

**Олигархларнинг фақатгина давлат иқтисодий фаолиятига эмас, балки унинг сиёсий фаолиятида ҳам аралашуви кузатилади. Олигархлар сиёсат майдонида етарлича обрў олишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад ҳокимиятдаги юқори мансабларни эгаллашдан иборат. Бу эса олигархиянинг иқтисодий манфаатлари ортида сиёсий мақсадлар ётишини кўрсатади.**

3-бет

## ТЎРТКЎЛЛИКЛАР МУЗЕЙГА КИРИШМАЙДИМИ?

**Ҳокимлик биносидаги “Шоҳрух Примқулов” деб ёзилган эшикка кириб тўрда савлат тўкиб ўтирган йигитга мақсадимизни айтдик. “Ҳозир мен ҳокимни топширган ишини бажариб ўтирибман. Сизлар билан сўзлашишга вақтим йўқ”, деб арзимизга қулоқ солмади. Наҳотки, тарихда маданият ўчоғи бўлган Тўрткўлда маданиятга эътибор шу даражага тушиб қолган бўлса?!**

4-бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 20 (482) 2006-yil 31-may



**«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади**

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

*Нашр кўрсаткичи — 233*


**Жараён**

# ТАРИХ — ЎТМИШ КЎЗГУСИ

### Унга тадқиқотчилар холис ёндашиши, ёшлар бутунлигича билиши ва тўғри хулоса чиқара олиши керак

Тарих кишилик жамиятида ўтмишни ҳозирги кун билан, бугунни эса келажак билан боғловчи восита сифатида хизмат қилиб келмоқда. Айнан ана шу боғлиқликда юзага келадиган тугун, узвийлик ва узлуксизлик, воқеликнинг объективлиги ва субъектнинг холислигига боғлиқ эканлигига кўпинча эътибор берилмайди. Бу тез-тез учраб турадиган ва унчалик аҳамиятсиз кўринган ҳолат субъектни адаштириши ҳам мумкин. Чунки субъект ёндашувида “мустамлака мамлакат”, “салтанат”, “элат”, ҳеч бўлмаганда “шахс” манфаати ётади. Шунинг учун мустамлакачи қарам бўлган халқ тўғрисида ҳар доим ҳам холис фикр айтмаган, тарихий воқеликни тўғри баҳолай олмаган, аксинча, шахсни мадҳ этиш билан авторитаризм ривожига ҳисса қўшган. Тарих шу тариқа сохталашиб, бузулишга йўл тутади, “янгиланиш йўли”га киради. Яна субъект ёндашуви ҳаракатга тушади. Тарихчига таянч бўлган ёзма манба, яъни мустамлака шароитидаги даврий ва нодаврий матбуотда эълон қилинган ёки расмий ҳужжатларда сақланган материаллар объективлигига ҳар доим ҳам кафолат бериб бўлмайди. Бундай маълумотларни ўқувчига айни ҳақиқат қилиб тақдим этиш, албатта, тадқиқотчи (субъект)нинг ақл-фаросати, билим-савияси, чиқарган хулосасига боғлиқ.

Ҳар бир давр ўзига хос мураккабликка эга. Зеро, тарихнинг мураккаблиги ҳам ўша давр ва ўша маконда пайдо бўлади. Муайян даврга теран кўз билан қараб холис фикр ва мушоҳада билдира олган кишигина ўтмишни объектив ёрита олади. Бунинг учун тарихий воқеа ва йирик шахслар фаолиятига синфийлик нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳолатларидан батамом воз кечиш лозим бўлади. “Бойлар” ҳар бир давр, ҳар бир маконда бўлган ва бўлади. Умумхалқ манфаатини ўйлаб, имконини топиб қайишган, юртни обод, илмга ҳомийлик қилган, эл-юрт назарига тушган кишиларни ҳадеб “қўрқоқ”лик, “хоин”лик, “суиистеъмол”ликда айблаш адолатдан бўлармикан.

Онглилик ва объективлик одатда тадқиқотчидан далил ва ҳужжатлар мағзини чақиб хулосалар чиқаришни тақозо этади. Лекин айрим тадқиқотчиларимиз ҳатто сўнгги йилларда чоп этилган китобларида ҳам учала хонга нисбатан тавқи-лаънат илиш, айниқса, бунуги кунда тарихчилар тили билан айтганда нечоғли объектив? “Худоёрхон — калтафаҳм”, “Муҳаммад Раҳимхон — бепарво, лоқайд”, “Амир Музаффархон — ишратпараст” дейиш субъектга нисбатан ҳийла адолатсизлик, қолаверса, объектив ҳолатни чуқур таҳлил қилмасдан чиқарилган хулоса эмасми? Ёки турли хил қатағонлар қилинганда объектив жараён эътиборга олинганми? Гап шундаки, қатағонга учраб, жисмоний маҳв этилган ёки сургунга жўнатилган барча кишиларни бирваракайига оқлаб бўлмайди. Чунки баъзи кишилар ўз юрти манфаати йўлида фидойилик кўрсатгани учун эмас, балки ғаразли ва шахсий мақсадларни кўзлагани, мансаб-мартаба талашгани ва бунинг оқибатида ўз ҳамюртлари бошига кўпдан-кўп кулфатлар ёғдиргани учун ҳам қатағон қилинган. Демак, субъект воқеликни етарли баҳолай олмагани оқибатида ўз бошига кулфат келтирган.

“Бошқача фикрловчи кишиларга орамизда ўрин йўқ” дея сиёсат юритган даврда ёзилган тарих ва тарихчи давр мафкурасининг қурбони эмасмиди? Шундай экан бу ўринда Президентимизнинг “фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш зарурлиги ҳақидаги хулосаларини англаш ва унга амал қилиш жуда ҳам муҳимдир. Маданий ёдгорликларни асраш ва сақлаш жараёни ҳам тарих фани учун муҳим аҳамият касб этади. Маданий ёдгорликларга даромадлар манбаи сифатида эмас, маънавий бойлик сифатида қарашни шакллантириш лозим.

Ҳукумат ёки давр алмашуви билан қўлёзма, маданий ёдгорлик ва адабиётларга нисбатан қўлланилган чора-тадбирлар уларни йўқотишга эмас, балки цивилизацияни асраш ва уни ривожлантириш институтларини ташкил этишга қаратилса, бундан келажак кўпроқ наф кўради.

Биз бой тарихий ва маданий меросга эга халқмиз, кўпларга ибрат бўладиган анъаналаримиз бор. Тарихни, мерос ва миллий қадриятларимизни билмай туриб, миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириб бўлмайди. Ўтмишдаги ва бугунги кунда қурилаётган ҳар бир тарихий обидани асраб-авайлаб, тарихий жараёнларни таҳлил қилаётганда холис бўлиб, субъектив ёндашувлардан ва эҳтирослардан қочмоқлик лозим. Қолаверса бу ҳар бир ўзбекнинг ва ўзбекистонликнинг муқаддас бурчидир. Тарихни ёзиш, ўрганишдан мақсад — кимнидир қоралаш ёки мақташ эмас, балки ҳақиқат ва жамият тараққиёти қонуниятларини англаб, келажак учун зарур хулосалар чиқаришдан иборат. Истиқлол бизга ана шундай имконият берди.

“Аввало ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, — дейди Президентимиз “Хотира ва қадрлаш” кунидаги интервьюсида. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ”. Дарҳақиқат, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғururланиб яшаши ҳам керак.

**Э. ҚОСИМОВ,**
**Ш. АТАДЖАНОВ,**
**Тошкент давлат педагогика университети**

**Анжуман**

## ФАРҒОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Жаннатмакон Фарғона шаҳри ўтган ҳафта ўзига хос файзу шукуҳ, интиқ учрашувлар ва эҳтиросли мулоқотлар нашидасига тўлиб-тошиб яшади. Бу ерда “Улуғимсан, Ватаним!” деб номланган республика китоб байрами бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 317-қарорига асосан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказилди. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмасининг ҳам бевосита ҳамкорлиги анжуман мазмунини бойитди.

Шаҳарнинг Ал-Фарғоний номли сўлим истироҳат боғи эрта тонгданоқ юртимизнинг ардоқли адиблари билан учрашувларга, мушоираларга отланган йигит-қизлар, китоб мухлислари билан гавжум бўлди. Тошкентдан ташриф буюрган азиз меҳмонлар сафида Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, Халқ шоирлари Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо ҳамда шоир Муҳиддин Омон, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва Шойим Бўтаевлар бор эди.

Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда унинг тизимидаги барча нашриётлар ва матбаа-ижодий уйларининг намояндалари ҳам шу ерда ҳозир бўлишди. “Улуғимсан, Ватаним!” китоб байрамининг тантанали очилиши маросими, севимли адиблар билан учрашувлар мушоиралардан сўнг китоб ярмаркаси қизғин тус олди.

Меҳмонлар вилоят давлат кутубхонасида, Фарғона давлат дорилфунуни ва Марғилон шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи”да бўлишди. Китобхон ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар, шеърхонлик ва бадиий ижрочилик ишқибозларининг саҳнадаги чиқишлари ғоят қизғин ва мароқли кечди. Болалар уйига 3 миллион сўмлик ва Марказий кутубхонага 2 миллион сўмлик бадиий китоблар, дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳадя қилинди.

— Биз бундан сўнг ҳам вилоятингиз бош кутубхонаси ва “Меҳрибонлик уйи”га нашриётларимизда босилаётган китобларнинг ҳар биридан туҳфа қилиб борамиз, — дейди биз билан суҳбатда Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев. — Фарғонада ўтказилган китоб байрамининг кўнгилдагидек ташкил этилганлиги ва қайноқ учрашувлар учун эса биз вилоят ҳокимлиги, умуман, фарғоналикларга чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

**С. ҚАҲҲОРОВ,**
**“Ҳуррият” мухбири**




**Ёдлов**

## УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Гулистон шаҳридаги “Хотира майдони”да журналист ва адиб Турғун Жамолов хотирасига бағишланган шахмат турнири ўтказилди. Шунингдек, устознинг ижодий фаолиятига бағишланган кўргазма ҳам ташкил қилинди.

Турғун Жамолов ўрнак бўладиган ажойиб иқтидорга эга журналист, етук драматург, моҳир публицист, меҳрибон ва ғамхўр устоз эди. Узоқ йиллар республика ва вилоят матбуотида ҳамда раҳбар органларда масъул лавозимларида хизмат қилган устоз журналистнинг “Сўнмас юлдузлар” драмаси, “Қўриқ эпопеяси”, “Тақдир табассуми”, “Янги уфқлар”, “Мирзачўл: кеча, бугун, эрта” сингари ўнлаб очерк ва публицистик тўпламлари, юзлаб публицистик мақолалари чоп этилган.

Анъанага кўра иккинчи бор ўтказилаётган тадбирда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга салмоқли ҳисса қўшган, образли қилиб айтганда, қалам билан қўриқ очган муҳтарам устозлар ва фидойи ҳамкасбларнинг ибратли ижод йўли ҳам ёдга олинди.

**Бахтиёр ЎТАНОВ**

**Танловга** *«Жамият ва мен»*

**Республикамизда айни пайтда мингга яқин матбуот нашрлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз йўналишига, ўз иш режасига, ўз шиори ва мухлисларига эга. Жамият ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришлар, долзарб мавзулар, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни келтириб чиқараётган воқеалар зукко газетхонларнинг эътиборидан четда қолмайди. Баъзан газетада эълон қилинган мақолаларга муносабат билдирувчилар ҳам топилади. Аммо мухлисларнинг баъзи мақолаларига бўлган эътирозлари ва раддиялари гоҳо эътиборсиз қолаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Негаки, таҳририят ходимлари кўп ҳолларда ўз нуқтаи назарларини юқори ўринга қўядилар.**

# МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ

### Муассис газетасига эътибор қаратаяптими?

Мухлислар фикри билан ҳисоблашмаслик эса ўша матбуот нашрига бўлган ишончни сўндиради. Очиғини айтганда, бунақа ҳолатлар муассисни унчалик қизиқтирмайди. Чунки баъзи мақолалар ҳақидаги эътирозлардан муассис бехабар бўлади. Хабардор бўлган тақдирда ҳам мухлисни қўллаб-қувватлаш ўрнига таҳририят ходимларининг камчилик ва нуқсонларини рўкач қилиб, ўз фаолиятини янада кенгроқ ёритишни талаб қилади. Ваҳоланки, муассиснинг фаолияти, аввало, ўша нашрда ёритилишга лойиқ эмас, иккинчи жиҳати мухлис учун унинг ҳеч қандай қизиқарли жойи йўқ. Натижада газета таҳририятининг иш фаолияти мухлислар эътиборидан четда қолмоқда. Йилдан йилга обуначиларнинг камайиб бораётганлиги матбуот бозоридаги энг оғриқли нуқта ҳисобланади. Фақатгина муассиснинг сайъ-ҳаракатлари билан ихтиёрий-мажбурий тартибда номигагина обуна ташкил қилинади. Муассис билан таҳририятни боғлаб турувчи энг сўнгги ришта ўша обуна мавсумидир. Мавсум вақти келди дегунча муассис газета обунаси билан шуғулланишга киришади. Бироқ мавсум ниҳоясига етганда газетанинг ададига нигоҳ қадасангиз кўрсатилган рақамлардан кўнглингиз тўлмайди. Тўғри, кўнгилочар нашрларда мухлислар кўп. У ҳам бўлса матбуот бозорида юзага келаётган рақобатнинг маҳсули. Ҳар хил бўлган ва бўлмаган воқеаларни ниҳоятда жозибали ўхшатишлар билан талқин этаётган кўнгилочар газеталар ўз нашрларининг сотилиши эвазига яхшигина маблағ ишлаб олаётирлар. Бу маблағлар матбуот нашрларини янада кенгроқ ҳудудларга жорий этиш учун қўл келаяпти. Биз бу газеталар ҳақида танқидий фикр билдиришдан йироқмиз. Мухлисларни топиш учун нимаики зарур бўлса барчасини қилишаяпти, албатта, улар оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачилик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қарорлар асосида иш юритмоқда. Қандини урсин, ҳалоли бўлсин! Яхши мулоҳазали мақолалар, детектив воқеалар, санъаткорлар хусусидаги фикр ва мулоҳазалар, буюклар ҳаётидан олинган ғаройиб синоатлар, турли хил бошқотирмалар ва ҳангомалар ушбу нашрларнинг асосий негизини ташкил этмоқда. Бундан газеталарнинг муассислари халқнинг талаб ва эҳтиёжларини анча чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилаётир. Уларнинг бош вазифаси газеталарнинг сотиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Кўнгилочар газеталарнинг муассислари фақат ўз нашрининг эртаси ҳақида бош қотираётгани сир эмас.

Республика миқёсида чоп этиладиган энг эътиборли нашрлар ҳам 20-30 минг нусха атрофидаги мухлисларнинг хонадонларига кириб боради. Уларда кўтариладиган мавзулар ранг-баранг. Географик жиҳатдан ҳам хилма-хил. Ҳар кимнинг ўз севган мавзуси қаламга олинган. Энг қувонарлиси шундаки, жиддий матбуотдаги ҳар бир мақола жуда катта тайёргарликнинг маҳсули сифатида нашр саҳифаларига сайқал беради. Кимки жиддий матбуотга қизиқадиган бўлса, вилоятда ёки туманда ажойиб ташаббуслар қанот ёзаётганлигини дарҳол илғайди. Қаерда, қандай иллат юзага келганлигини матбуот нашрлари орқали англаб олади. Жиддий матбуот ҳокимликлар, партиялар, турли хил бирлашмалар ва ташкилотлар учун чинакам ҳаёт саналади. Бу кўзгуга нигоҳ қадаб атрофимизда юз берадиган муҳим воқеаларни англаб оламиз. Камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқарамиз. Демак, жиддий матбуотни ўқиётганлар фақат ўз қишлоғи ёки туманида рўй бераётган янгилик ва ташаббусларни эмас, республикада рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни чуқурроқ англаб етадилар. Ҳамиша мени бир савол қийнайди: “Нега турли хил газеталар ва журналларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг қандай иқтидорга эга эканлигини, қандай камчиликларга йўл қўяётганлигини муфассал изоҳлаб берадиган бирорта ташкилот йўқ?! Мониторинг марказлари бугунги кунда почта-алоқа тармоқлари қошида фаолият юритаяптилар. Газета ходимларининг машаққатли меҳнатларини рағбатлантириш масаласида муассиснинг ўрни асло сезилмайди. Фақатгина обуна мавсуми бошлангандагина улар ўзларининг нашри борлигини салгина эслашади”.

Салгина деганимнинг боиси шундаки, Самарқанд вилоятида чиқадиган туманларнинг газеталари кейинги пайтларда жуда кам нусхада нашр этилмоқда. Нуробод, Ургут, Самарқанд, Пайариқ, Нарпай туманларида газеталарнинг адади 2000 дан ошса, қолган туманлардаги кўрсаткичларни айтишга ҳатто тил бормайди. Хўш, туман меҳнаткашлари газета ўқишни хоҳламайдими? Ёки улар маънавий дунёқарашларини кенгайтириш борасида маҳаллий газеталарни қўллаб-қувватлашмайдими?! Агар газетага боғлиқ бўлган бирор юмуши чиқиб қолса, дарҳол илиқ фикрлар айтадиган раҳбарлар талайгина. Газетанинг кечаги сонида берилган мақолалар ҳақида фикрлашмоқчи бўлсангиз унинг бу янгиликлардан воқиф эмаслигини илғаб оласиз.

— Кечаги газета ҳали бизгача етиб келгани йўқ, — дейди раҳбар хижолат бўлганини сездирмаслик учун.

Туман газетасини ҳам, вилоят газетасини ҳам олмайдиган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар анчагина топилади. Шу боис туман ва вилоятда бўлаётган янгиликлардан фақат корхона ходимлари эмас, унинг раҳбари ҳам бехабар қолади. Юртбошимизнинг бирорта муҳим қарор ва фармонлари газетада чоп этилса ва бу ҳақда юқори ташкилотлар сўрай бошлагандан кейин ўша маънавий савияси ҳаминқадар бўлган раҳбарлар оёғи куйган товуқдай газетанинг ўша сонини излаб қолишади. Гоҳо газета ахтариб туман газетаси таҳририятига мурожаат қилишдан ҳам уялишмайди.

— Бу газетани олиб турардик, аммо негадир айнан ўша сони бизгача етиб келмаган, — дейди айбини хаспўшлаш учун раҳбар.

Газета ахтариб юрган бундай раҳбарлар ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда учрайди. Улар газетанинг кучи ва салмоғи нақадар бебаҳо эканлигини, ҳар бир сўз ортида халқнинг хоҳиш ва иродаси ифода этилаётганини ҳис қилишмайди. Ана шундай корхона ва ташкилотларда маънавий ва маърифий ишлар талаб даражасида эмаслиги янада ойдинроқ кўринади. Бу оғриқли нуқтанинг фақатгина бир томони. Яна бир жиҳати шундаки, шу газетага алоқадор бўлган шахслар ҳам кўпгина хабарлардан ўзларининг лоқайдликлари туфайли бебаҳра қолишади.

— Газеталарингиз бир ойда неча марта чиқади?

Бу саволни берган киши халқ депутатлари туман Кенгашининг депутатидир. Туман газетаси эса халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг нашри ҳисобланади. У кишига ажабланиб қараймиз.

**(Давоми 2-бетда).**

### Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

# “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ”

## танловига марҳамат!

**Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзлари билан қатнашаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2005 йил сизларга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собит қадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак бадиий савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодаланган қандай мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингиз?**

*Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2005 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни* ***“Йилнинг энг фаол журналисти — 2005”*** *танлови ҳайъатига шу йилнинг* ***10 июнигача*** *юборинг.*

**Ғолиблар 2006 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни эълон қилинади ва уларга мукофотлар топширилади.**

*Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан уюшманинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилишини сўраймиз.*

**Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.**
**Телефонлар: 144-37-87, 144-64-62, 144-69-65**

**Огоҳлантириш**




Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 майдаги тегишли ҳужжатига мувофиқ, ғалла ўрим-йиғим пайтида бошоқли дон экинлари ўрилган майдонларда сомон ёқиш қатъиян ман этилади. Ҳатто ҳужжатда экин майдонларида сомон ёқилишига йўл қўйган мансабдор шахсга, ширкат ва фермер хўжалиги раҳбарига экин майдонининг бонитетига қараб ҳар гектар куйган ер учун 40 минг сўм жарима солиниши кўрсатилади. Бундай ҳолатдаги ҳуқуқбузарликка “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 88-моддаси III банди бўйича ҳам жазо чораси қўлланилади. Яъни ер эгасига содир этилган ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг 5 бароборидан 10 бароборигача жарима солинади.

Биз, аввало, мутахассис сифатида, қолаверса, кўп йиллик иш фаолиятимиздан келиб чиққан ҳолда ҳукумат кўрсатмасини жуда тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳали орамизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмайдиган, менсимайдиган ёки тушунмайдиган раҳбарлар бор. Таассуфки, ҳали ҳам ҳудудларда тушуниб-тушунмай дарахтларнинг шохи, барги, ўсимликларнинг пояси, жумладан, сомонни ёқиб юборилиш ҳолатлари учраб турибди.

Бу йил Андижон вилоятида жами 74 минг гектардан ортиқ майдонда ғалла етиштирилади. Унинг кўп қисми фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Фермерлар орасида янгилари, турли соҳа эгалари ҳам бор. Демак, улар ўртасида қонунчиликни тарғибот қилишнинг аҳамияти каттадир.

**Муталибжон МИНАВАРОВ,**
**Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер манбаларини муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари**

**Муносабат**

# АСАБ БУЗИЛСА ҲАМ, ҚОНУН БУЗИЛМАСИН

***Республикада фаолият кўрсатаётган телерадиоканалларда реклама тайёрлаш ва уларни тарқатишнинг аҳволи ҳамда бу соҳада истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этилиши ҳақида***

Бугунги кунда реклама ва реклама хусусиятлари, жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳамма билади. Рекламанинг келиб чиқиши, унинг одамлар онгига таъсир этиши, кишилик жамиятидан муқим ўрин олиши ҳақида сўз юритилганда, унинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз.

Дастлабки рекламанинг пайдо бўлиши, манбаларда айтилишича, 1477 йилда Англияда чоп этилган дуолар китоби билан боғлиқ экан. Ўшанда реклама ўрнида китоб шаклида нашр қилинган барча дуолар жуда тез овоза бўлиб, маҳсулот сифатида катта даромад келтирган экан.

Аслида, реклама — уч кишининг манфаатини кўзловчи восита. Яъни, маҳсулот эгаси, уни оммага эълон қилувчи субъектлар ва қайсидир бир маънода харидорлар, бу — сизу биз.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телевидение ва радиоларда рекламаларни тайёрлаш ва эфирга бериш тартиби ҳаммага маълум. Аксарият ҳолларда унга "асаббузар" сифатида қаралади.

Аммо бу ҳақда гаплашганда, рекламалар сифати, қизиқарлилиги ва таъсирчанлигини таъминлаш омиллари ҳамда эфирга оқилона жойлаштириш билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратиш, умуман — бугунги кунда бизда шаклланган реклама бозорининг аҳволини таҳлил этиш, очиғини айтганда, жуда мушкул. Негаки, бизда реклама бозорини, ҳозирча шаклланган, деб бўлмайди. Реклама берувчиларга нисбатан уни тарқатувчилар жуда кўп. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларининг рекламаси орқали даромад қилиш, мўмай фойда кўриш истагида иш юритаётган йирик корхоналар, фирмалар, хорижий сармоядорлар йўқ ҳисоби, аммо рекламаларни тарқатишга ихтисослашган ташкилотлар ОАВ тармоқлари керагидан ортиқча.

Илгари, аниқроғи, 1995 йиллардан то 2000 йилларгача ЎзТВ таҳририятлари, айниқса, "Ахборот" кўрсатуви дирекцияси реклама орқасидан жуда ривожланган эди. Бунинг оқибатидан дирекция янги-янги техника ва замонавий жиҳозлар билан бойиди, таҳририят хоналари, монтаж студиялари буткул таъмирдан чиқарилди. Албатта, бу ишларга давлат томонидан ҳам катта миқдордаги маблағ ажратилган эди. Эфирнинг "Ахборот" дастури намойиши вақтида реклама жойлаштириш ставкаси минутига 100 доллардан 800 долларгача чиқиб кетган эди. Ҳозир-чи?

Ҳозир ундай эмас. Рекламалар ставкаси жуда паст нархларга тушиб кетган. Бунга биринчи галда реклама берувчиларнинг камайиб кетиши бўлса, иккинчидан, хусусий телевидение ва FM радиоларининг кўпайиши сабаб бўлди.

Хўш, нега реклама берувчилар камайиб кетди?!

Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, реклама тарқатувчилар ўртасидаги рақобатнинг кескин ортиши ва хизмат кўрсатишда реклама бозоридаги нархларнинг кескин тушиб кетиши бўлса, иккинчидан ва энг асосийси — юқорида айтганимиздек, реклама берувчилар ўртасида ҳаққоний рақобатнинг ривож топмаётганлигидир.

Шу ўринда "Реклама бозорида нархлар тушиб кетган бўлса, нега реклама берувчилар суст?", деган ҳақли савол туғилади.

Бунга жавобни ЎзТВ ходимлари фаолиятидан излаш керак.

Биласиз, бизнинг шароитда маҳсулотларни реклама қилишдан кўра уларни тижорат асосидаги кўрсатувларда тарғибот қилиш арзон ва ҳар томонлама қулай. Бунда фақат маҳсулот ёки хизматлар реклама қилинибгина қолмай, балки шу ишларга бош-қош бўлиб юрганлар ҳам бевосита эфирга олиб чиқилади, уларнинг интервьюси берилади, энг муҳими — реклама берувчи шахснинг кўпчиликка хос бўлган ички бир истаги амалга ошади, яъни ўз чеҳрасини телеэкранда кўриш, одамлардан "Эй, сизни телевизорда кўрсатишди, ўзингиз ҳам кўрдингизми?" деган маънодаги ёқимли ва хушомадли гапларни эшитиш... Менинг ўзим ҳам бунга телевидениеда ишлаб юрган кезларимда кўп марталаб гувоҳ бўлганман. Катта-катта ташкилотнинг раҳбарлари, раислар, ҳатто юқори мансабдаги кишилар ҳам ўзини телеэкранда кўришга жуда иштиёқманд бўлишади. Баъзилари "Қанча кетса кетсин, мени бир марта телевизорга олиб чиқ, ... кўрсин", деб мурожаат қиларди.

Тележурналистлар томонидан ана шундай мурожаатларга эътибор берилиши, қолаверса, таҳририят раҳбарларининг ходимлардан тижорат асосидаги кўрсатувлар тайёрланишини расман талаб қилиши ва бунга ёппасига киришиб кетиш ҳоллари айни пайтда рекламага бўлган эҳтиёжларни бир мунча камайтирди, шу билан бирга телевидениенинг, энг ачинарлиси, халқ орасида ҳақиқат ҳимоячилари деб ҳурмат қозонган журналистларнинг бурунги обрў-эътиборини, мавқеини кескин тушириб юборди.

Реклама бозорида ҳаққоний рақобатнинг ривож топмаётганлигига яна бир сабаб, бу — бизда хусусий тармоқ вакилларининг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўника олмаётганлиги, давлат бюджетидаги корхоналарда эса рекламалар ташкил қилиш учун ҳамон маблағ ажратишга жиддий эътибор қаратилмаётганлигидир.

Энди телерадиоканаллардаги рекламага оид айрим қонунбузилишларни қонун кўзи билан бир назардан ўтказиб, таҳлилий баҳоласак.

"O'zbekiston" телерадиоканалини "Ахборот" кўрсатувида, "50х50" ток-шоусида, сериаллар намойиши чоғида ва шунга ўхшаш бошқа дастурларида ҳомийлар хизматидан қонунчиликка зид равишда фойдаланганлиги кузатилмоқда. Ҳомий ташкилотлар номи кўрсатувлар давомида титрда ҳамда овозда эълон қилиниб, уларнинг маҳсулотлари ёки хизматлари реклама қилинмоқда, айрим ҳолларда ҳомийларнинг телефонлари, манзиллари кўрсатилмоқда, маҳсулотларига ёки хизматларига тўлиқ таърифу тасаннолар айтилмоқда, шу билан бирга, кўрсатув тасвирга олинаётган жой — бу ресторан, кафе-бар ёки гўзаллик салони, тижорат дўкони бўлиши мумкин, шунингдек, бошловчилар кийиб чиққан либослар ҳомийларга тегишли эканлиги аён қилинмоқда.

Телеэкранлардаги бундай кўринишлар "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 11-, 12-, 17-моддалари талаблари бажарилмаётганлигини англатади. Яъни, кўрсатув давомида намойиш этилган эълонда ҳомийларнинг телефон рақамлари, шунингдек, ҳомий ташкилот томонидан тайёрланган либосларни телебошловчилар эгнига кийиб чиққанлиги тўғрисидаги хабар амалдаги қонунчиликка зид равишда эълон қилинган. Ваҳоланки, телекўрсатувнинг бошловчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда маҳсулотни била туриб намойиш этиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

"Uzbegim taronasi" FM радиосида об-ҳаво ҳақдаги ахборот ўқиб эшиттирилгач, "Об-ҳаво маълумотларининг ҳомийси "Суфарма" компанияси", деб эълон қилинмоқда ва мазкур компания маҳсулотлари ҳақида сўз юритилмоқда.

Шунингдек, мазкур радиотўлқинда "Ўтмишнинг ҳар бир куни" дастурини эфирга узатишда эшиттиришларнинг бошланиши ва охирида ушбу "дастур ҳомийси "Темполгин" препарати" эканлиги эълон қилинмоқда. Эълонлар ортидан эса мазкур маҳсулот рекламасига доир матн ўқиб эшиттириляпти. Эълон матнида препаратнинг "Супармфармацевтика" компанияси маҳсулоти эканлиги алоҳида таъкидланган, аммо "маҳсулот сертификатланган"лиги ёки "хизмат лицензияланган"лиги тўғрисидаги маълумот қайд қилинмаган.



Бу ўринда "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси ҳамда "Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низом"нинг умумий қоидалари, 6-банди талаблари бажарилмаётир.

Бундан ташқари препаратни "дастур ҳомийси", дейиш мантиқан нотўғри, чунки дори воситаси ҳеч қачон жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган эмас.

Афсуски, эндиликда бундай қонунбузарлик ҳолатини ҳар бир телерадиоканал фаолиятида истаганча учратиш мумкин.

Қолаверса, реклама фаолияти билан боғлиқ ғайриқонуний ҳолатларни аниқлаш бизнинг асосий мақсадимизга кирмайди. Биз учун, энг муҳими, ОАВда юзага келиши мумкин бўлган ахборот хавфсизликларининг олдини олишдир. Шу боис бизнес-шоу дастурларига оид биргина лавҳа "Markaz NEWS" янгиликлар кўрсатувида 20-30 марталаб эфирга берилиши одатий ҳолга айланса ҳам бунга жиддий эътибор қаратмаймиз. Ёки ҳали бирор қўшиғи билан танилмаган ёш хонанда Маликанинг туғилган куни муносабати билан ташкиллаштирилган тантаналар 29 апрелдан то 6 май кунига қадар бир телеканал орқали 4 мартадан жами 32 марта намойиш этилишини бозор иқтисодиёти шароитида реклама бозорининг оёққа туриб олиши билан изоҳлаймиз.

Шубҳасиз, ҳақиқий бозор иқтисодиёти шароитида реклама ОАВнинг қон томирига айланди. Ривожланган мамлакатларда ОАВ фақат реклама ҳисобига "жон сақлайди", тўғрироғи "жон сақлайди" эмас, балки "гуркураб яшайди".

Бугунги глобаллашув жараёнида, айниқса, матбуот, телевидение ва радио оммавий коммуникациялар тармоғи билан уйғун шароитда ривож топиб, улар мафкуравий қурол сифатида бутун оламни ишғол этаётган айни замонда ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳам ҳар бир рекламали чиқишни эътибордан қочирмаслигимиз зарур.

**Улуғбек ХОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

## Бугун қандай кун?

***31 май. Бу кунда жаҳон тарихида қуйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:***

***1469 йил. Португалия қироли, "Буюк географик кашфиётлар" ҳомийси Мануэль I туғилди.***

***1787 йил. Англияда дунёдаги илк крикет клуби ташкил этилди.***

***1793 йил. Францияда ҳокимиятга якобинчиларни олиб келган қўзғолон бўлиб ўтди.***

***1815 йил. Нидерландия қироллиги ташкил топди.***

***1847 йил. Ирланд кемасози, "Титаник" кемасининг яратувчиларидан бири Уильям Пири дунёга келди.***

***1859 йил. Лондонда ҳозиргача ишлаб келаётган Биг Бен соати юра бошлади.***

***1879 йил. Берлинда электр билан ишлайдиган илк темир йўли ишга тушди.***

***1887 йил. Француз дипломати, "Нобель" мукофоти соҳиби Сан Жор-Пирс таваллуд топди.***

***1924 йил. Хитой ва собиқ Иттифоқ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.***

***1955 йил. Исроилда дастлабки шаҳарлараро телефон хизмати ишга тушди.***

***1961 йил. Бир гуруҳ исёнчилар томонидан Доминикан республикаси диктатори Рафаэль Трухильо отиб ташланди.***

***1963 йил. Венгриянинг амалдаги бош вазири Виктор Орбан туғилди.***

***1970 йил. Ғарбий яримшар тарихидаги энг даҳшатли табиий офат қайд этилди. Перу шимолида рўй берган зилзила оқибатида 70 мингдан ошиқ киши ҳалок бўлди.***

***1991 йил. Австралиялик Минни Манро 102 ёшда турмушга чиқиб, сайёрамизнинг энг кекса келини бўлди.***

**Ҳикмат**

## ЧЕЧАНЛАР ЭПЛАЙДИ ГАПНИНГ ЭПИНИ...

**Халқимиз азал-азалдан фикрни чиройли ифодалашга интилиб келган. "Девони луғотит турк" ва туркий тош битиклардан фикримизни исботлаш учун истаганча далил топиш мумкин. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам образли гаплар сероб. Шунинг учун "ўзбекнинг гапи қизиқ" деган нақл пайдо бўлган. Бу ўринда масала фақат кулгули сўз бирикмалари ҳақида бораётгани йўқ. Ҳақиқий кулгу одатда саёз фикрлашда эмас, балки теран тафаккур ва тимсолий ифодалашдан пайдо бўлади. Кундалик ҳаётимизда ҳам мақол, нақл, маталларга тез-тез мурожаат қилиб турамиз.**

**"Алпомиш" достони халқимиз бадиий тафаккурининг бир парчаси. Аждодларимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тажрибалари хулосаси бадиий асар шаклига келтирилган. Авлоддан авлодга ўтиб сайқал топиб, ҳаёт чархпалагидан ўтолмаганлари янгиларига жой бўшатиб келаверган. Шунинг учун ҳам достонда мақоллар, образли фикрларга бот-бот дуч келамиз. Уларнинг кўпи тимсол ва риторика билан ифодаланган. Биз қуйида ана шундай ҳикматли сўзлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.**

*Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,*
*Семурғ қушлар салом берар қошига.*

* * *

*Ушбу дамнинг дамларини дам дема,*
*Бошинг омон, давлатингни кам дема.*

*ёки*

*Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема,*
*Бошинг омон, давлатингни кам дема.*

* * *

*Хўжа келса чиқар мурид назири,*
*Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!*

* * *

*То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,*
*Узунли қисқали тўнинг мўл бўлсин.*

* * *

*Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами?*
*Қарчиғай қарғага емтик берами?!*

*ёки*

*Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами?*
*Киши ўлмай ўз ёрини берами?!*

* * *

*Ғарибликда бўлармикан кўнгил тўқ?*

* * *

*Мард йигитнинг ёри талаш бўлармi?*

* * *

*Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга.*

* * *

*Ўлим навбат етар шоҳу гадога.*

* * *

*Ўз феълимдан чўпу хасдан паст бўлдим.*

* * *

*Созандалар созин чертар қўл билан,*
*Ёмон одам куйдиради тил билан.*

* * *

*Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,*
*Магар ажал қамсаб келса сичқонга.*

* * *

*Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини,*
*Эси бор билади гапнинг тузини.*

* * *

*Зўрни зўр билади, валини вали билади,*
*тулпор тулпор.*

* * *

*Қандай бўлса қариндошдан қолмагин.*

* * *

*Элимдан айрилиб бўлдим дарбадар.*

* * *

*Номардлар майдонда хаста.*

* * *

*Учраса ёрнинг марди,*
*Кўзга дори пойи гарди.*

* * *

*Қозининг олдида шабгир нойиби,*
*Йигитга панд берар отнинг майиби —*

* * *

*Султон суягини хўрламас.*

* * *

*Чечанлар эплайди гапнинг эпини...*

**Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади**

**Акс-садо**

# "ГАСТАРБАЙТЕР"ЛАР... ЭМАС "ВАТАНДОШЛАР"!

***"Ҳуррият" газетасининг 2006 йил 19 апрель сонида Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Гастарбайтер"лар" сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Мақолада Корея Республикасига ишлаш учун кетаётган икки ака-уканинг ҳаётини ёритиш орқали айни дамда муҳожирликда юрган ватандошларимиз аҳволига назар ташланган. Мақолада келтирилган воқеалар қанчалар ачинарли бўлмасин, кўпчилигимиз гувоҳи бўлиб турган ҳодисадир. Мамлакатимиздан ташқарида турли ишлар билан банд бўлган ватандошларимизнинг ҳаммаси ҳам яхши ишлаб, яхши ҳақ олавермайдилар. Баъзилари қайтишга шароитлари бўлмай, ички аъзоларини ҳам пуллаб келаётгани сир эмас. Замонавий технологиялар билан операцияни ўтказган жарроҳлар пайтдан фойдаланиб, бир эмас икки-уч аъзоларини олишга уринадилар. Оқибатда, чет элдан келишлари билан қават-қават уй қураётган, қўша-қўша машина олаётган ҳамюртларимизга янги уйида оёқ узатиб дам олиш насиб этмай қолаяпти.***

Лекин ҳамюртларимизнинг четга ишлаш учун кетаётганини фақат ёмонликка йўйиш ҳам номаъқул. Энди, ҳа деб, айбни уларнинг бўйнига босиш тўғримас. Ахир... саҳардан туриб юз-қўлингизга иссиққина сув тайёрлайдиган, ҳали қушлар уйғониб улгурмаган вақтда нонушта учун тандирга ўт ёқиб, иссиққина нон пиширадиган, сигир соғиб ширингина сут-қаймоғини дастурхонга қўядиган аёлини, ҳали у, ҳали бу саволлар билан мурожаат қилаётган ширindан шакар фарзандларини, соч-соқоли оқариб қолган отаси, муштипар онасини ташлаб, дунёнинг бир четига бориб, кимларнингдир кўчасини тозалаш, ўғли тенги боланинг буйруғини эгилиб қабул қилиш кимга ёқади, дейсиз...

Мақолада қуйидаги хавотирли саволни учратамиз: "Мана шу касал фарзандини тарбиялаш, ўқитиш, бирорта ҳунар ўргатиш...ни ўйлайдими?" Чет давлатларга кетаётган юртдошларимизнинг ҳаммаси ҳам маънавиятсиз, газета, китоб ўқимайдиган кишилар эмас. Улар ҳам қайсидир маънода юртимизнинг тараққиётига, замонамизнинг ўзгаришига ҳисса қўшмоқдалар.

"Унинг фикрича, — дейди муаллиф, — энг асосийси — пул топиш, ҳамма ишни пул билан битириш мумкин! Тўғри, бояқиш дўстим оиласи ва фарзандларини деб олис, қаҳратон жойларда юрибди. Бир келганида топган пулига уйи томини шиферлатди, томорқасини девор билан ўради. Иккинчи келишида ўғилларининг қўлини ҳалоллади".

Агар муаллифнинг бояқиш дўсти ишлаб келиб томини шиферлатмаганида, чакка ўтиб бир куни қулаши мумкин эди. Томорқасига эккан экинларни пайҳон қилаётган қўшнисининг мол-қўйлари энди девор борлиги учун кирмайди. Ҳақ гап шуки, Аллоҳ бандасининг ризқини қайси давлатга сочган бўлса, излаб топади.

Энди мақоланинг асосий жойларига эътибор қаратамиз. "Четда ишлаганим тузук", деб кетаверилса, бу ердаги иллатлар ўз-ўзидан бартараф бўлиб қолмайди-ку! Ундан кўра, қонунларни ўргансанг, ўз ҳуқуқларингни билсанг, бошқалардан талаб қилсанг, шуниси маъқул эмасми? Тадбиркорлик ва фермерлик учун кенг йўллар очилаяпти-ку. Ўз ватанингга нисбатан шунчалик лоқайд бўласанми, биродар?! — деб куюниб ёзади муаллиф. Бир қишлоқда иккита, ўнта тадбиркор бўлсин, аҳолининг сони эса ўртача 3000 ёки 4000 ни ташкил этади. Тадбиркорлар қўли остида элликта, борингки, юзта одам ишласин. Лекин бутун қишлоқ аҳли ишбилармонлик билан шуғулланмайди-ку?!

Бундан ташқари чет давлатларга бориб ишлаш ватанга лоқайдлик, дегани эмас. Ватан — киндик қони тўкилган, инсон ҳаётига мазмун олиб келадиган муқаддас маскан экан, унга ҳеч кимнинг лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ. Баъзан ўзимиз бир девор қўшнимизнинг аҳволидан бехабар бўламиз. Бирор тўй, маърака бўлмаса, қўшнимизнинг қандай шароитда яшаётганини билмаймиз. Чет давлатларда ишлаётган ватандошларимиз Интернет сайтлари орқали бир-биридан аҳвол сўраб туришади. Ютуқлари, муаммолари ҳақида суҳбатлашадилар. Бу ҳам ватанига, ватандошларига бўлган меҳр эмасми?!

"Туркистон" газетасининг 2006 йил 19 апрель ва 22 апрель сонларида чоп этилган Лайло Ҳайитованинг "Хориждан бахт излаганлар" мақоласида Дубай шаҳрига бориб, ўз номусини пуллаётган ўзбек аёлларининг суҳбати келтирилган эди. Унда аёллар эрларининг ишламаслигидан нолиб гапирганлар...

Дангасалик қилиб, аёлини Дубай шаҳрига ўз хоҳиши билан кузатаётган эркак эркакми?! У нафақат оиласи, балки Ватан шаънини ҳам ерга урмаяптими? Майли, олисда, қаҳратон совуқда бўлса ҳам, хорижда ишлаб келгани маъқул. Улар қийналиб ишласаларда, аёлларининг рўзғор баҳонасида орини тўкиб келишига йўл қўймайдилар.

Ўзим куни кеча икки танишимни чет давлатга кузатиб қўйдим. Улар ишлаб топган пулларини фарзандларини чуқур билим олишига сарфлашлари, маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялаш учун ҳамма шароитни яратиб беришларини бот-бот такрорлашди.

Демоқчи бўлганим, икки кишининг суҳбатидан бутун бошли муҳожир ҳамюртларимиз устидан хулоса чиқариш тўғри келмас. Аллоҳ денгиз тубида тош орасида ётган қуртни озиқлантирган, биз бандаларига ҳам қай йўл билан бўлса-да, ризқ улашур. Асосийси, бунинг учун озроқ ҳаракат қилишимиз зарур.

**Сарвар ХУРРАМОВ**




— Охири сизми?

А. ҲАКИМОВ чизган

# МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

— Сиз газетага обуна бўлганмисиз? Ҳеч бўлмаганда ташкилотингизга бирорта туман газетаси нусхаси бормайдими?

— Нега энди, олиб турамиз. Фақат бир ойда неча марта чиқишини билмаймизда...

Муассислар қаторида турган кишининг жавобини қаранг. Туманда нечта депутат бўладиган бўлса, шуларнинг ҳар бири газетага алоқадор эканлигини ўзлари билишмайди, шекилли. Ҳатто улар мухлисларни кўпайтириш борасида ҳам таҳририят ходимларига яқин кўмакчи, ажойиб маслаҳатдош бўлишлари керак эмасми?

Бир депутатнинг аҳволи шу бўлгач, оддий меҳнаткашдан нимани кутиш мумкин? Аслида ўша депутат газетанинг мазмундорлиги учун, ададининг кўплиги учун, таҳририятдаги муаммоларни бартараф этиш учун масъул шахслардан бири эканлигини ҳисобга олсангиз, бир аламингизга ўн алам қўшилади. Туман газеталарида депутатларнинг сарҳисоблари онда-сонда чоп этилмаса, бу кўп ҳолларда таҳририят ходимларининг хаёлига ҳам келавермайди. Бу лоқайдлик эмас, газетанинг ҳар ойда уч ёки тўрт маротаба чиқиши билан изоҳланади. Уни кўпроқ чиқариш учун таҳририятларнинг молиявий аҳволи чидаш бермайди. Журналистлар оладиган маош ҳам унчалик ҳавас қиладиган даражада эмас. Одатда моддий манфаатдорлик яхши бўлмаган ташкилотда меҳнат унумдорлиги ҳам, иш сифати ҳам кўнгилдагидек кечмайди. Обунадан тушган маблағ газета ходимларининг ойлик маошига, газетани чиқариш ва уни мухлиснинг қўлига етказиш харажатларини қоплашга етмайди. Чунки тўпланган маблағ газета ходимларига маош қилиб берилса турли байрам тадбирларини ўтказиш қийин кечади. Айниқса, иқтидорли журналистларни рағбатлантириш мақсадида кўплаб туман газеталарида қалам ҳақлари белгиланмаган. Қалам ҳақи белгиланмагач, ишга бўлган иштиёқ ўз-ўзидан камаяди. Фақат ойлик маоши билан кун кечириш эса журналист учун осон эмас.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, туман газеталарининг муассислари орасида уни таҳлил қиладиганлари камдан кам учрайди. Баъзи туманларда шу соҳани тушунадиган кадрларнинг ўзи йўқ ҳисоби. Хўш, нега биз буни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрмаяпмиз?

Муассис ўз нашрига эга бўлиб ўша нашр орқали ўз фаолиятини янада ёркинроқ халққа кўрсатиши лозим. Аммо муассиснинг ходимлари орасида матбуотни тушунадиганлар бармоқ билан санарли. Шундай экан, муассис малакали кадрни қаердан билсин? Малакали журналист ҳақидаги ахборотларни вилоят матбуот ва ахборот бошқармалари яхшироқ билишади. Шунинг учун туман ва вилоят газеталарига бош муҳаррир ва муҳаррирларни тайинлашда жойлардаги матбуот ва ахборот бошқармаларнинг ҳамда журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари тавсифномалари муҳим роль ўйнаса мақсадга мувофиқ бўларди. Кўплаб туман газеталарида малакали кадрларнинг етишмаслиги оқибатида бошқа мутахассислик соҳиблари таҳририятларда хизмат қилмоқда. Агар унинг иқтидори ва қобилияти шу вазифани бажаришга лойиқ бўлса нур устига аъло нур. Машаққатли бу соҳани яхши тушунмайдиган кадр эса баъзи ҳолларда ўзининг жўн фикрлари, саёз мақолалари билан қовун тушириб қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Журналист ихтисослашуви унинг ҳар томонлама билимини оширади. Негаки, фермер билан суҳбатлашаётганда фермерларнинг нозик сирларини биладиган, шифокор билан сўзлашаётганда унинг қалб кечинмаларини ҳис қила оладиган, ўқитувчи билан мусоҳабага киришганда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонунларни анча ўзлаштириб олган мухбиргина маромига етказиб мақола тайёрлай олади.

Икки-уч йил муқаддам Самарқанд вилоятидаги турли хил нашрлар телевидение ва радиоларнинг фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида бир гуруҳ иқтидорли адиб ва журналистлар келишган эди. Улар нашрларда чоп этилаётган материалларнинг мазмундорлигини, телевидение ва радионинг кўрсатув ва эшиттиришларини бироз муддат ўрганишгач, журналистлар қалбидаги дардларига ҳам қулоқ тутишганди. Республикамизнинг кўзга кўринган таниқли ёзувчилари Ўткир Ҳошимов билан Хуршид Дўстмуҳаммад "Паст Дарғом ҳақиқати" газетаси таҳририятига ҳам қадам ранжида қилишди. Ўшанда Ўткир аканинг айтган бир гапи сира ёдимдан чиқмайди.

— Таҳририятлар шундай даргоҳки, ҳар қандай қалби нозик кемтик одам даво излаб келганида бу маскандан малҳам топиб кетсин. Ҳар бир сўз инсон қалбига дармон бўлувчи воситага айлансагина мақсадларингизга эришган бўласиз. Кўп нарса журналистларнинг ўзларига боғлиқ. Чин кўнгилдан ҳаракат қилинса, ҳар қандай муаммонинг ечими топилади. Албатта, бу ўринда муассиснинг қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Буни бекорга айтмаяпман. Таҳририятнинг биносини яхшилаб таъмирлашда муассис бироз мурувват кўрсатса, зиёлиларнинг олқишини олган бўларди. Зиёлиларнинг олқиши эса хайрли ва савоб эканлигини унутмаслик лозим.

Ўзбек халқининг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов буюк бир ҳақиқатни ўз ижодий жараёнида кўрсатиб ўтган.

***"... Темур тиғи етмаган жойни,***
***Қалам билан олди Алишер..."***

Сўзнинг қудрати шунчалик сеҳрлики, унинг жозибасидан гуллар унади. Кўнгилга соя солган тушкунлик ҳам бир оғиз ширин сўз таъсирида умидбахш шуълага айланиши мумкин. Журналист ҳар бир газетхоннинг юрак-юрагига сингиб борадиган сўз топа билиши керакки, ана шу сўз ўзининг залвори билан жамият тараққиётига хизмат қилсин.

**Ғайрат БОБОҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

Mustaqil gazeta HURRIYAT



● 20 (482)
● 2006-yil 31-may



## Дараклар

### ШҲТ: МОСКВА УЧРАШУВИ БОШЛАНДИ



*Сешанба куни Москвадаги "Президент-Отел"да Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар парламент раҳбарларининг илк учрашуви бошланди.*

Учрашувда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон парламентлари раҳбарлари, Умумхитой халқ вакиллари мажлиси раиси, шунингдек, Россия Федерал кенгаши раиси Сергей Миронов ҳамда Давлат Думаси спикери Борис Гризлов иштирок этмоқда.

Федерал Кенгаш спикери Сергей Миронов журналистлар билан мулоқот чоғида кун тартиби аввалдан келишиб олинмаганини билдирди.

Анжуманда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатларга қонуний тус бериш, аъзо давлатларнинг халқаро терроризмга қарши курашга қаратилган қонунларини мувофиқлаштириш каби қатор муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, ШҲТга Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон аъзо. Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон кузатувчи давлат мақомига эга.

Жорий йилнинг июнь ойида ташкилот ўзининг беш йиллигини нишонлайди ва 15 июнда Шанхайда унинг юбилей саммити бўлиб ўтади.

### БУШ НЕГА ЙИҒЛАДИ?



Хотира куни АҚШ президенти Жорж Буш Арлингтон миллий қабристонига ташриф буюриб, Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Президентнинг ниҳоятда ҳис-ҳаяжонга тўлиқ маърузаси Ироқдаги урушга бағишланиб, АР агентлигининг хабар беришича, нутқ ирод этиш чоғида Бушнинг кўзларида ёш қалқиган.

Сўнгги пайтларда жаноб Бушнинг Ироқ уруши муаммоси юзасидан оҳанги бутқул ўзгарган. Биринчи марта бу оҳанг Тони Блэр билан ҳамкорликда ўтказган матбуот анжуманида сезилган.

Фахрийлар олдидаги чиқишида эса президент терроризмга қарши кураш масаласига алоҳида тўхталди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин Арлингтон қабристонига 270 ҳарбий дафн қилинган. Жорж Буш терроризмга қарши курашнинг маркази дея баҳолаётган Ироқ урушида 2500 га яқин америкалик ҳалок бўлган, 18 мингдан ортиғи яраланган.

Шу куни АҚШ маъмурияти раҳбари "Ҳалок бўлган Америка қаҳрамонларига ҳурмат тўғрисида"ги қонунга имзо чекди. Қонун ҳарбийларнинг дафн маросимлари чоғида турли қаршилик ҳаракатлари, намойишларини чеклайди. Қонун бузувчилар бир йилга қадар қамоқ жазосига ҳукм қилиниши ва 100 минг долларгача жаримага тортилиши мумкин, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

## Фикр

### ТАХТ ОРТИДАГИ ҲОКИМИЯТ

***«Олигархия» тушунчасининг вужудга келиш тарихи анча олисларга бориб тақалади. Бу атама юнон тилидан олинган бўлиб, «озчиликнинг бошқаруви» деган маънони англатади. Аслида, олигархия бу — давлат бошқарувининг шундай шаклики, унда сиёсий ҳокимият жамиятнинг энг бой ва қудратли қатлами қўлида тўпланади. Айнан шу қатлам «олигарх»лар номи билан юритилади.***

Аристократия (энг сара ҳокимият)дан фарқли ўлароқ, олигархлар ҳокимиятни очиқ тарзда олиб боришни маъқул кўришмайди. Тўғрироғи, олигархлар учун «тахт ортидаги ҳокимият» ҳар доим энг мақбул ҳокимият бўлиб келган. Чунончи, олигархлар ўз мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳар доим иқтисодий воситалардан фойдаланиб келганлар. Олигархлар кўринишидаги ҳокимиятда юқори тоифа вакиллари иқтисодий манфаатни давлат манфаатидан устун қўядилар.



Буюк юнон файласуфи Арасту олигархияни плутократия (бойлар ҳокимияти) билан тенглаштиради. Плутократия кўринишидаги бошқарув шаклида ҳам ҳокимият жамиятнинг энг бой ва энг илғор қатлами қўлида тўпланади. Одатда олигархиянинг вужудга келишига катта-катта оилалар сабабчи бўлади ва у сулолавий кўринишда давом этади. Ўрта асрларда Италияда машҳур бўлган Медичилар оиласи энг катта олигархлар оиласи саналарди. XIX-XX асрларда АҚШнинг жаҳон саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллаши ҳамда вужудга келган иқтисодий ўсишлар янгидан янги саноат корхоналарининг, катта-катта ерларнинг маълум шахслар қўлида тўпланишига сабаб бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Рокфеллер, Ротшильд, Дюпон ва Морган каби ҳозиргача машҳур бўлган олигархлар сулоласи вужудга келди.

Бугунги кунга келиб "олигархия" тушунчасининг замонавий кўриниши ўзгача тус олди. Эндиликда "бизнес олигархлари" ва "бизнес магнатлари" каби тушунчалар пайдо бўлди. Бизнес олигархлари ҳам давлат ҳокимиятига сезиларли таъсир ўтказа оладиган аҳолининг илғор қатламига айланиб улгурди. Собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг ушбу қатлам вакилларининг орта бориши кузатилди. Айниқса, Россияда янги давр олигархлари шаклланиши жадал суръатда юз берди ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида "рус олигархлари" тушунчаси тез-тез тилга олинадиган бўлди. Россияда бу каби янги тоифа вакилларининг вужудга келишида давлат иқтисодиётини эркинлаштириш йўлида олиб борилган жадал қадамлар муҳим роль ўйнади. Давлат саноат корхоналари, айниқса, оғир саноатнинг бир қанча тармоқлари олигархлар қўл остига ўтиши тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу сиёсат давлат иқтисодиёти учун ҳар тарафлама фойдали эди. Давлат мазкур олигархлардан олинадиган катта миқдордаги солиқлар эвазига ўз ғазнасини тўлдириб боради.

Бугунги кунга келиб, олигархларнинг ғазнаси миллиардлар билан ўлчанади. Ҳатто кўпчилик олигархларнинг даромади айрим давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) қийматидан ҳам ортиқроқ. Масалан, Россиядаги етакчи олигархлардан бири Роман Абрамовичнинг даромади 14,7 миллиард долларни ташкил этиб, у Уругвай, Эстония, Исландия, Латвия каби кўзга кўринган давлатларнинг ЯИМдан ҳам юқори туради.

Олигархиянинг давлат иқтисодий ривожи учун қўшадиган ҳиссасини инкор этмаслигимиз зарур, бироқ бу қатламнинг кучая бориши ўз навбатида салбий оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаслик керак. Олигархлар қанча кўпаса, давлат иқтисодиётининг уларга қарамлиги шунчалик орта боради. Жумладан, Россия оғир саноатининг катта қисмини олигархлар қўлида бўлган "Русал", "Лукойл", "Газпром" каби монополиялар ташкил этишини ҳамда давлат даромадининг асосий қисми ушбу компаниялардан келишини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисоднинг нақадар уларга боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Олигархларнинг фақатгина давлат иқтисодий фаолиятига эмас, балки унинг сиёсий фаолиятида ҳам аралашуви кузатилади. Олигархлар сиёсат майдонида етарлича обрў олишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад ҳокимиятдаги юқори мансабларни эгаллашдан иборат. Бу эса олигархиянинг иқтисодий манфаатлари ортида сиёсий мақсадлар ётишини кўрсатади. Олигархиянинг сиёсат майдонида кўп ўралашиши ва ҳаддан зиёд кучайиб кетиши ўзбошимчалик ҳамда давлатга бўйсунмасликка олиб келиши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида Россиянинг собиқ биринчи рақамли олигархи Михаил Ходорковский билан боғлиқ воқеаларни эслашимизнинг ўзи кифоя.

**Санжар МАТКАРИМОВ,**
**ЖИДУ талабаси**

## Иллат

*31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни*

### КАШАНДАЛИК КЕЛТИРАЁТГАН КУЛФАТ

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан 31 май 1988 йилдан буён Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни этиб белгиланган. "Тамакисиз кун" шиори остида ўтажак мазкур сана баҳонасида яна чекишнинг зарарли жиҳатлари хусусида.***

#### ХАВОТИР



***Сайёрамиз аҳолисининг тахминан 1,1 миллиарди кашандалардир.***

Инкор этиб бўлмайдиган илмий далилларга қараганда, тамаки чекиш туфайли ўлим ва ногиронликка олиб борувчи юрак-қон томир, саратон ва бошқа ўнлаб касалликлар келиб чиқади.

***ЖССТ маълумотларига кўра, тамаки чекиш оқибатида пайдо бўладиган касалликлар билан ҳар йили 5 миллион киши вафот этмоқда. Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, бу рақам 2030 йилга бориб 10 миллионга етиши мумкин.***

Кашандалик туфайли жаҳон иқтисодиёти ҳар йили 200 миллиард доллар зарар кўрмоқда.

***Россия чекиш кўрсаткичи энг юқори давлатлардан бири. Федерацияда эркакларнинг 65 фоизи, хотин-қизларнинг 40 фоизи кашандалардир. Мамлакатда мактаб ўқувчилари ўртасидаги чекиш даражаси ҳам хавотирли даражада баланд. Айни пайтда юқори синфларда ўқувчи ўғил болаларнинг 50, қиз болаларнинг 40 фоизи чекувчилар ҳисобланади***

#### ТАСКИН



***Буюк Британияда кейинги 10-15 йилда чекувчилар сони 10 миллион кишига камайган. Бу эса қиролликда ҳар куни 2000 киши чекишни ташлаяпти, демакдир.***

Корея Халқ Демократик Республикаси олимлари чекишга қарши янги дори воситасини ихтиро қилдилар. Сосон шаҳридаги анъанавий фармацевтика маркази ходимлари тоғ гиёҳларидан тайёрлаган ушбу дорини кашанда икки-уч кун давомида истеъмол қилса, унда сигаретга бўлган талаб йўқолар экан. Янги дори яқинда синовдан ўтди. Уни истеъмол қилганларнинг барчаси кашандаликни тарк этишди.

***Канада, Куба, Норвегия, Япония, Ватикан ва АҚШнинг айрим штатларида жамоат жойларида чекиш тақиқланган. Испанияда эса ўрмонларда сигарет тутатиш ман этилган. Ирландия, Англия давлатлари ҳам яқинда жамоат жойларида чекиш тақиқланган мамлакатлар рўйхатига қўшилди.***

Бугунги кунда дунё кашандаларининг 60 фоизи чекишни ташлаш ниятида.

### ҚИЗЛАР НЕГА ЧЕКИШАДИ?



***Инсонга умр бир маротаба берилади. У ҳам кипригимизнинг бир бора пирпирашидек жуда қисқа фурсат. Орамизда ана шу қисқа фурсат давомида гўзал ҳаёт кечиришга интилувчилар билан бир қаторда сониялик "лаззат" эвазига ўз умрини ҳазон қилувчилар ҳам бор.***

Ўқишга бориш учун ҳар куни "Беруний" метроси ёнидан ўтишимга тўғри келади. Дарсга шошиб борар эканман, сотувчи аёлнинг "сигарет, сигарет", дея бақиргани-ю, унинг атрофида тамаки тутунини бурқситаётган ёшларнинг шовқини ҳар гал диққатимни ўзига тортади. Таассуфки, бугун айрим ёшлар қанақа номдаги сигарет бор, унинг нархи қанча эканлигини билишади-ю, аммо қанақа янги китоб сотувга чиқди, бундан бехабарлар.

Шу пайт хаёлимни чекувчилар орасидан эшитилаётган қиз боланинг кулгуси бузиб юборди. Ҳайрон бўлиб қарайман. Келажакда яхши бир оиланинг бекаси бўлиши мумкин бўлган шу қизнинг чиройли лабига сигарет ярашмаслигини ёнида турган йигитлар ҳам яхши билишади.

Уйга қайтар эканман, бундан-да ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўламан: 13-14 ёшлардаги иккита қиз дарахтлар панасида сигарет чекиб турган бўлишади. Нимага айнан шу ерда? Сабаби оддий: ота-онаси кўрмаслиги учун. Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган. Яқинда дугонамникига борганимда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Қўшни аёл экан, — деди дугонам. — Укамдан сигарет сўрагани чиқибди.

— Турмуш ўртоғигами?

— Йўқ, ўзига...

Тиббий текширишлар шуни кўрсатадики, тамаки орқали аёл организмига кирган никотин камида 5 йилдан кейин чиқиб кетади. Ҳомиладорлик пайтида сигарет чеккан аёлларнинг фарзандлари ва ҳаттоки набиралари ДНК молекуласи тузилишида салбий ўзгаришлар юз берар экан. Кашанда аёлларнинг фарзандларида астма касалига чалиниш хавотири юқори даражададир. Кашанда аёлларда ўпка ракининг кўп учраши ҳам сир эмас. Шундай экан аёллар нима учун чекишади? Шу савол билан "Ёшлар ишонч маркази" психологи Эркина опа АГЗАМХЎЖАЕВАга мурожаат қилдик.

— Кўпчилик аёллар бошига тушган ғам-қайғуларни, муаммоларни унутиш мақсадида чекишга ружу қўядилар: сигарет гўё уларга ёрдам бераётганга ўхшаса-да, у ҳеч қачон муаммолар ечимига ёрдам бермайди. Бир гуруҳ кашанда аёлларнинг чекишдан мақсади эркаклар билан тенглигини исботлаш ёхуд ўзларини "танҳо", "ўзгача" эканликларини кўрсатиш иштиёқидир.

Баъзи кашанда қизлар эса катта ёшдагиларга тақлидан чекишади. Улар кашандаликнинг салбий оқибатларини ҳали тўлиқ англаб етмаган бўлишади. Ҳатто шундай аёллар борки, чекиш турмуш ўртоғим билан дўстона алоқа ўрнатишда восита, деб ҳисоблашади. Умуман олганда, чекиш учун қандай сабаб бўлишидан қатъий назар аёлларимиз "чекиш — соғлиқ учун зарар" эканлигини унутмасалар бўлгани.

Эркина опа билан хайрлашар эканман, инсон учун ўзи ва яқинлари соғлигидан ҳам муҳимроқ нарса йўқлигига яна бир бор амин бўламан. Мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олганча йўлда давом этаман. Шу пайт кўзим спорт майдончасида чопқиллаб юрган болаларга тушади. Уларга қувонч-ла термулар эканман, ота-онасининг айби туфайли ногирон бўлиб қолган болаларнинг ғамли ўйи эзади мени. Лекин шу пайтда умидбахш кайфият пайдо бўлади: "Мен чекишни ташладим!" деган хушхабар ёдга тушади.

**Васила СОБИРОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси**

## Табиат

### ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ

#### унинг бузилишига нималар сабаб бўлади?

**5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни**

***Маълумки, бизнинг галактика Sb галактикалар турига мансуб бўлиб, бошқа 18 галактика билан бирга маҳаллий системани ташкил этади. Умумий кўриниши ва катта-кичиклиги жиҳатдан машҳур Андромеда туманлиги билан бир хил. Галактика маркази атрофида ҳар 240 млн. йилда тўла бир марта айланади.***

Ушбу галактика системасида ҳаракатланувчи ер сайёрасининг турғунлик мувозанати ҳам бевосита галактик мувозанат билан боғлиқдир. Бунга сабаб қуёш, ой, юлдузлар, метиоритлар ва бошқа планеталар каби Ер ҳам 104 та кимёвий элемент ва уларнинг изотопларидан ташкил топганлигидир. Элементларнинг миқдори, тарқалиши ҳамма планеталарда бир хил эмас.

Бизнинг планетада бу элементларнинг тарқалиш қонуниятлари Ернинг ички ва ташқи тузилиши билан боғлиқ. Ер курраси эса бир неча қават ҳалқасимон зоналардан иборат.

Ер ўз ўқи атрофида айланиши давомида галактик система ичида ўз ташқи геохимиявий балансини сақлаб боради. Лекин ички геохимиявий балансни таъминлашда – кимёвий элементларнинг ер қобиғида минтақалар бўйлаб бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб айланиб юришида геохимик цикллар мавжудлигини инобатга олсак, табиатдаги биргина сувнинг ифлосланганлиги бошқа табиий муҳит компонентларига салбий таъсир кўрсатади ва геохимик циклар иштирокида бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтиб бутун ер юзасига таъсир қилади. Чунки сув ўзининг 3 та физик буғланиш, суюқлик ва музлик хоссасига эга. Сув буғланганда атмосфера билан аралашаб кетса, суюқлик ҳолатида тупроққа, флора ва фауналарга таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда табиатдаги ички балансни бузилиб боришида бевосита инсон омили сабаб бўлмоқда. Чунки айнан инсоният таъсирида табиий ресурслар тугаб, атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқ ресурслари бузилиб ўз хусусиятини ўзгартириб бормоқда. Тобора таҳдид солиб бораётган экология муаммоси бугунда конкрет глобал кўринишга ўтди ва давлатлар ўртасига муаммони бартараф этишда глобал ҳамкорлик зарурлигини кўндаланг қўйди.

Бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният эртами ёки кечми, албатта, етиб боради. Чунки маълум бир жойдаги экологик инқироз (Орол денгизи муаммоси, Чернобил АЭС фалокати, Охота денгизининг радиоактив моддалар билан заҳарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балки глобал миқёсдаги таъсир кучига эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аёндир.

Ердаги ички табиий хилма-хилликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичини асраб қолиш инсон олдида турган катта муаммо. Хусусан Э.Геккель таъбири билан айтганда, «Инсон томонидан табиатни иқтисодий тадқиқ қилиш» шундай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, бу фикрга қайсидир томондан қарши фикрларни келтириш мумкин, чунки инсон табиий жиҳатдан ижтимоий-биологик мавжудот. У ўзининг моддий ва маънавий манфаатларига эга. Лекин, «Ўсиш чегараси ва органик ривожланиш концепцияси» намояндалари Ер курраси ресурсларининг имкониятларига мос равишда, илмий-техник ва инсонларнинг ўсиш чегарасини белгилаш ва бундай илмий асосланган ўсишни чегаралаш маълум бир регион, ҳудуд ёки маъмурий чегарада амалга оширишни тавсия этадилар.

Лекин афсуски, илмий техник жиҳатдан ривожланмасдан туриб, тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Илм-фани «концервация» қилиш ва инсонларнинг ўсишини стандартлаштириш 10-15 йиллик тадбир эмас. Бу жараён узоқ ва катта куч талаб қиладиган тадбирлардандир. Чунки аҳолиси тез ўсиб бораётган мусулмон давлатларда бу ғояни, авваламбор, амалда тадбиқ қилиш керак бўлади. Бу эса жуда мушкул ишдир. Лекин «Рим клуби» аъзолари ўз моделлари орқали жаҳон иқтисодиётининг маълум бир типидаги минтақаларда илмий-техник ютуқларни ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ва оилани режалаштиришни, маҳаллий иқтисодий, маданий, тарихий, маънавий ҳолатга қараб туриб ўсиш ва органик ривожланишни чеклашни тавсия этади.

Лўнда қилиб айтганда, инсонларнинг ягона яшаш макони бўлган Ер сайёрасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бирор бир давлат, ташкилот ёки уюшмаларнинг саъй-ҳаракатларидан бошланади ва халқаро ҳамжамиятнинг изчил экологик сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини яратиш орқали амалга оширилади. Ушбу халқаро бирлашув тезлаштирилмаса, бой берилган муддат ва фойдани, айниқса, экологияда, қайтариб жойига қўйишнинг иложи бўлмаслиги ҳам мумкин. Орол ва Орол бўйида юзага келган инқирозли ҳолат бунга яққол мисол бўла олади.

**Ҳазрат АЗИМОВ,**
**магистр**

## Фуқаролик жамияти қуришга тайёрмизми?

***Тошкентда ўтган миллий форумда ёшлар ва ННТнинг демократик жамият барпо этишдаги фаоллигини ошириш масаласи муҳокама қилинди***

"Пойтахт" меҳмонхонасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёш етакчилар миллий форуми ташкил этилди. "Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа ва масъулият" мавзусида ўтказилган тадбирда ёшлар уюшмалари, ННТ етакчилари, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ёшлар қаноти фаоллари, Олий Мажлис депутатлари, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Сир эмас, юртимизда фуқаролик жамияти қуриш йўлида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Табиийки, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" шиори остида олиб борилаётган ҳаракатлар ижобий самара бериши кўп жиҳатдан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва республикамиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларга боғлиқдир. Республика миқёсида илк бор ўтказилган миллий форум жамиятимизнинг ана шу икки муҳим бўғини — ёшлар ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ўзаро фикр алмашишга имкон берди.

Очиғи, мамлакатимизда ННТ тузила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Балки шу боисдир, мазкур нодавлат муассасалар билан ёшлар қатлами ўртасидаги муносабатлар фаол даражада деб бўлмайди. Бу жиҳатдан ЎзННТМА томонидан ташкил этилган миллий форум ёшларни нодавлат муассасалар ишида фаол қатнашишга амалий кўмак бергани билан қимматлидир.

**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси**



*Миллий ассоциация 2005 йилнинг 18 майида мамлакатимиздаги бир қатор ННТ ташаббуси билан ташкил этилган. Юртимизда фаолият юритаётган нодавлат муассасаларни қўллаб-қувватлаш, либераллашув жараёнига кўмаклашиш, жамиятда демократик тамойиллар устуворлигини таъминлаш каби мақсадларда тузилган уюшма ўтган бир йил ичида ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, гуманитар, ёшлар ҳамда хотин-қизлар йўналишларида бир қатор муҳим лойиҳаларни амалга оширди. Миллий ассоциация 200 га яқин ННТни бирлаштирган.*

Дарвоқе, жорий йилнинг январь-март ойларида ҳам юртимиз бўйлаб ёшлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш масаласида ўнлаб давра суҳбатлари ўтказилганди. Миллий форум шу кунгача ўтказилган ана шу анжуманларнинг ўзига хос сарҳисоб якуни бўлди, дейиш мумкин.

Икки кун давом этган тадбир умумий йиғилиш, "Ёшлар ва Ўзбекистон жамоат ташкилотлари" мавзусидаги бўлим ҳамда "Ёшлар нигоҳи: воқелик, келажак ва биз истиқбол учун нима қилишимиз мумкин?", "Ўзбекистон ёшлар ҳаракати менимча қандай бўлиши керак?" каби мавзулардаги гуруҳ ишларидан иборат бўлди. Форумнинг мавзуларидан ҳам билиш мумкинки, муҳокама учун бугунги кунда барча ёшларни бирдай ўйлантираётган савол ва масалалар танланган.

Қатор нуфузли ташкилот вакиллари иштирокида ўтган умумий йиғинда, очиғи, ёш қатнашчилар, миллий етакчиларда фаоллик етишмади. Лекин ҳартугул, гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилган мулоқот ва мунозараларда ёшларда бирмунча жонланиш кузатилди.

Форум ишида айнан ёшлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ана шу қисқа фурсат ичида мамлакатимиздаги кенжа ННТлардан бўлган ташкилот ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш борасида эътиборга молик ишларни амалга оширди. Форумда мазкур ННТ ҳам фаол иштирок этди. "Hurriyat" мухбирининг ёшлар ва ННТ муносабатлари борасида берган саволига **Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси матбуот котиби Динара Дўлтаева** шундай жавоб берди:

*— Ёшлар ҳамиша кўплаб ғоялар, ташаббуслар билан жўшиб яшайди, атрофдаги дунёни яхши томонга ўзгартиришга интилади. Лекин, афсуски, баъзида билим, тажриба, қаноат етишмаслиги туфайли энг кичик тўсиқлар ҳам уларнинг қўл силтаб кетишларига сабаб бўлиши мумкин. Назаримда, айни шу вазиятда нодавлат ташкилотлари ёшларга кўмакка келиши, уларда ишонч уйғотиши лозим. Ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали эса жамиятда кўплаб салмоқли лойиҳаларни амалга ошириш, ёркин ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин.*

*Бу фикр далилини Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармасининг ёшларга қаратилган лойиҳалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда жамғарма қошида "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда иқтидорли ёшлар бизнинг кўмагимизда ўз лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин.*

Миллий форумда, шунингдек, вилоятлардаги ёшлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат муассасалар ҳам қатнашди. Жумладан, Бухоро вилоятидаги "Ёшлар маркази", Қашқадарё вилоятидаги "Умид" маркази ННТлари раҳбарлари ўз фаолиятлари мисолида фуқаролик жамияти қуришда кичик авлод иштироки масаласида мулоҳаза билдиришди.

Форум давомида ёшлар ҳаётида долзарб бўлиб турган кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Ёшларнинг ННТлар ишидаги фаоллигини ошириш учун нималар қилиш зарурлиги борасида фикр билдирилди. Пировардида нодавлат нотижорат ташкилотлари ёшлар борасидаги ишларни янада ривожлантиришлари ва бу жараёнда ўзаро ҳамкорлик ҳамда фикр алмашувга эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди.

**МУХБИРИМИЗ**

### Қонунни биласизми?

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)**

*Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.*

***4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари***

*Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.*

*Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.*

*Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.*

***5-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқалари***

*Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.*

**"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонундан**

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".**

